

БОЛАЛАРНИ ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШДА РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ

Ражабоев Дилмурод Кулдаш ўғли

Адлия вазирлиги масъул ходими Почта: drk.dilmurod@gmail.com

Тел: +998909946226

Аннотация

ушбу мақолада болаларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишда хорижий давлатларнинг самарали йўллари хусусида сўз боради

Бугунги кунда мактабларда юз бераётган “буллинг”, “кибербуллинг” муаммолари нисбий зарарсиздек кўринсада, аслида келгусида катта йўқотишларга олиб келиш хавфи юқори.

Ўтказилган ўрганишлар натижасида, хорижий давлатларда ушбу муаммоларга қарши курашиш учун комплекс ҳуқуқий тизим яратилганлиги аниқланди.

Филиппин Президенти Акино томонидан 2013 йил 6 сентябрь куни “Зўравонликка қарши” 10627-сонли Республика қонуни имзоланган. Ушбу қонун билан бутун мамлакат бўйлаб бошланғич ва ўрта мактабларда безорлик тақиқланади. Барча бошланғич ва ўрта мактаблар ўз муассасаларида зўравонликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш бўйича ишларни олиб бориши кўрсатиб ўтилади.

Мактаблардаги таълим котиблари қонун талабларига риоя қилмаган мактаб маъмурларига тегишли маъмурий жазо чораларини белгилайди.

2018 йилда АҚШда тобора кўпайиб бораётган безорилик (диний, ирқий, киберхужум ва бошқа) турларига қарши курашиш мақсадида “**stopbullying.gov**” махсус платформаси ишга туширилади.

Америка Қўшма Штатларининг 50 штатидан 41 тасида зўравонликка қарши қонунга эга, баъзи штатларда эса безорилик жиноят кодексида киритилган бўлиб, вояга этмаганларга нисбатан қўлланилади.

Мактабларда зўравонликка қарши курашиш бўйича қонунни биринчи бўлиб Жоржия штати ташаббус кўрсатган ҳолда қабул қилган. Монтана штати 2015 йилнинг апрелида зўравонликка қарши қонунчиликни қабул қилган энг сўнгги штат ҳисобланади.

49 та штатнинг барчасида фаолият олиб борувчи Bully Police USA номли кўрикчи ташкилот зўравонликка қарши қонунларни ҳимоя қилади ва бу бўйича ҳисобот бериб боради.

Калифорния штатида “**Биз билан суҳбатлашинг**” дастури асосида кўрқоқ талабаларга қулай мулоқот майдони ва уларга ўзлари учун гуруҳ топишга ёрдам беради. Бу каби дастурлар буллинг муаммосига турли хил ечимлар топишига ёрдам бериб келмоқда.

2011 йил 7 сентябрда Чили Конгресси томонидан мактабдаги зўравонлик тўғрисида қонунни қабул қилган. Унга кўра, умумий таълим тўғрисидаги қонунга ўзгартириш

киритилиб, мактабдаги зўравонлик учун аниқ таъриф, тартиб ва жазолар белгилаб берилади.

Таълим муассасалари мактабларда зўравонликсиз ҳаётни таъминлаш учун зарур бўлган барча чора-тадбирларни бажариши талаб этилади.

Ўзгартирилган қонунга кўра, ўқитувчилар, мактаб маъмурияти ва уларнинг ёрдамчилари, ота-оналар ҳамда ўқувчилар ҳар қандай таҳқирлашнинг олдини олишга қаратилган соғлом мактаб муҳитини яратиш учун жавобгарлиги белгиланди. Улар мактабнинг ички сиёсати ва қоидаларига мувофиқ ўқувчига таъсир қиладиган ҳар қандай жисмоний ёки руҳий зўравонлик, тажовузкорлик ҳолати тўғрисида хабар беришлари керак. Агар мактаб маъмурлари ўзларининг ички қоидаларига мувофиқ интизомий ёки тузатиш чораларини кўрмасалар, жарима тўлаши шарт бўлади.

Норвегияда Ден Ольвеуснинг антибуллингга қарши олиб борган фаолияти энг самарали дастур ҳисобланади. Ушбу дастур туфайли зўравонликдан жабр кўрганлар 30-50%га камайишига олиб келади. Ден Ольвеуснинг дастури ҳамма мактабларда амалга оширилиши белгилаб берилган.

Буюк Британиядаги қонунга (“Таълим ва текшириш тўғрисида”ги қонун) мувофиқ барча умумтаълим мактабларида ҳатти-ҳаракат ва хулқ-атвори тартибга солувчи, шунингдек талабалар ўртасида зўравонликнинг олдини олиш чораларини белгилайдиган низом бўлиши керак. Ўқитувчилар, ўқувчи ва талабалар ҳамда уларнинг ота-оналари ушбу ҳужжатлардан хабардор бўлиши лозим. Бундан ташқари, 2010 йилги “Тенглик тўғрисида”ги қонун мактаб ходимларидан таҳдид ва зўравонликларнинг олдини олиши талаб этилади. Шикоят берилганда, мактаб раҳбарияти интизомий жазодан тортиб полиция ва ижтимоий хизматларгача зўравонликка нисбатан чора кўриши керак.

Буюк Британияда зўравонликка қарши Зўравонликка қарши альянс” **Anti-Bullying Alliance (ABA)** ташкилоти фаолият олиб боради.

Ноябрь ойининг бошида АВА ҳар йили мактабларида зўравонлик муаммосини ёритишга қаратилган **“Буллингга қарши ҳафталик”** ўтказади.

Мактабларда зўравонликка бутунлай барҳам бериш учун бир қатор таклифлар илгари сурилади:

Биринчидан, таълим муассаларида “Тенгдошингни эъзозла”, “Биз биргамиз”, “Тазйиқлардан ҳолимиз” каби дастурлар фаолиятини йўлга қўйиш. Манфаатдор турли соҳа вакиллари жалб этган ҳолда, бундай дастурларнинг мазмун-моҳиятини ҳар бир болага буллинг ва унинг салбий оқибатлари ҳақида тушунтириб бериш талаб этилади; Иккинчидан, ҳар бир таълим муассаларида болаларга биринчи психологик ёрдам кўрсатувчи юқори малакали психологларни жалб этган ҳолда тазқий ёки таъкибга учраган, депрессияга тушиб қолган болаларни аниқлаш ва уларга биринчилардан бўлиб, ўзининг маслаҳат ва кўмагини бериши керак бўлади. Шунингдек таълим муассаларида

буллинг тақибига учраган болалар учун тезкор хабар бериш имкониятини берувчи телефон рақам, почта манзили ҳақидаги маълумотларни жойлаштириш;

Учинчидан, таълим муассасаларида психологик хизматларнинг самарали ишлашини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, буллингга ўхшаш хатти-ҳаракатларни тақиқловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Oliveros, M., Figueroa, L., & Mayorga, G. (2009). Intimidacion en colegios estatales de secundaria del Peru' [Bullying in state high schools in Peru]. Revista Peruana de Pediatría, 62, 68–78.
2. Olthof, T., & Goossens, F. (2008). Bullying and the need to belong: Early adolescents' bullying-related behavior and the acceptance they desire and receive from particular classmates. Social Development, 17, 24–46.
3. Olthof, T., Goossens, F. A., Vermande, M. M., Aleva, E. A., & Van der Meulen, M. (2011). Bullying as strategic behavior: Relations with desired and acquired dominance in the peer group. Journal of School Psychology, 49, 339–359.10.1016/j.jsp.2011.03.003.
4. Olweus, D. (1973). Hackkycklingar och översittare: forskning om skolmobbing [Aggression in the schools: Bullies and whipping boys]. Stockholm: Almqvist & Wiksell.